





## Амир Хусрав Деҳлавий адабий меросининг илмий-танқидий матни муаммолари

С.Х.Хўжақулов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети  
Тоҷик филологияси ва хорижий Шарқ тиллар кафедраси  
мудир, ф.ф.д. (DSc).

Ш.Ж. Ярашов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети  
Тоҷик филологияси ва хорижий Шарқ тиллар кафедраси  
ассистенти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD).

### ARTICLE INFO

Received: 09<sup>th</sup> February 2024

Accepted: 09<sup>th</sup> February 2024

Online: 10<sup>th</sup> February 2024

### КАЛИТ СЎЗЛАР

илмий-танқидий матн,  
лирика, лексик, семантик,  
тимсол, рамз, мажоз, бадиий  
тасвир, образ, эпика,  
танқидий матн, девон,  
достон, ғазал

### АННОТАЦИЯ

Мазкур маъқолада ҳар қандай адабий асар поэтикасини мукамал тадқиқ этиш учун унинг ишончли илмий танқидий матни заруратлиги таъкидлаб, Хусрав Деҳлавийнинг 9 та йирик достонларидан 7 тасининг илмий-танқидий матни мавжудлиги ва шоир девонларидан шу кунгача фақат биринчиси - Б.Мусаев томонидан яратилган "Тўхфат-ус-сиғар" девони ғазалларининг илмий-танқидий матни яратилганлиги тўғрисида маълумот келтирилган. Хусрав Деҳлавийнинг қолган девонлари учун илмий-танқидий матн яратилмаганлиги боис ҳозирги кунга қадар шоирнинг лирик асарлари тўлиқ ва мукамал тарзда тадқиқ этилмаган бўлиб, самарали ва узоқ муддатли илмий изланишларни талаб этади.

Амир Хусрав Деҳлавий ҳинд адабий муҳитининг форс ва тоҷик тилларида ижод қилган забардаст ва буюк шоирларидан бири бўлиб, ўзини дилтортар ва ноёб шеърятти билан Ўрта асрлар мумтоз адабиёти юксалишига катта ҳисса қўшган. Бугунги кунда *"етук шоир ва ёзувчи, адабиётшунос олим, мусиқашунос ва бастакор ҳамда тенгсиз мутафаккир"* сифатида эътироф этилган. Амир Хусрав ижоди тадқиқотчиси Абдулҳақ Деҳлавий ўзининг "Ахбор-ул-ахёр фий асрор-ул-аброр" (1619 йил) асарида бу борада шундай келтиради: *"Амир Хусрав... султон уш-шуаро ва бурҳон ул-фузалодир. Сўз водисида... у оламда ягонадир. Унинг сўзларидаги мукамал мазмун, маъно ва бадиий санъатлар бошқа ҳеч бир шоир ижодида кўзга ташланмайди"*. Ҳақиқатдан ҳам, Амир Хусрав ўз даврининг кўзга кўринган мумтоз ижодкорларидан бири бўлиб, унинг умрбоқий шеърятти кейинги даврлар ижодкорлари учун ибрат намунаси сифатида муҳим аҳамият

касб этган. Шу боисдан у машриқзамин адабиёти тарихида ўз айёмининг сеҳрли сўз устаси ва тенгсиз шоири сифатида эътирофга сазовор бўлган. Адибнинг шеърляти, айниқса унинг лирик ижодиёти нафақат форс-тожик классик адабиёти, балки туркийзабон ва ҳиндийзабон мумтоз адабиётнинг кейинги ривожини учун ҳам муҳим рол ўйнаган.

Маълумки, адабий асар поэтикасини мукамал тадқиқ этиш учун аввало унинг ишончли матни бўлмоғи керак. Деҳлавийнинг 9 та йирик дostonларидан 7 тасининг илмий-танқидий матни тайёрланиб, нашр этилган ҳолда унинг 5 та девонидан шу кунгача фақат биринчиси - Б.Мусаев томонидан яратилган "Тўхфат-ус-сиғар" девони ғазалларининг илмий-танқидий матни мавжуд, холос. Аслида, М.Бақоев китобида келтирилишича, шоирнинг биринчи девони таркибида 132 ғазалдан ташқари 37 қасида (1400 байт), 5 таржеъбанд (230 байт), 20 қитъа (47 байт), 1 маснавий (173 байт), 127 рубоий (254 байт) мавжуд бўлиб, улар ҳануз таҳлилга тортилган эмас (рубоийлардан ташқари). Шоирнинг 2-девони "Васат-ул-ҳаёт" жами 8401 байт бўлиб, 1-девонидан деярли 3 баробар катта. Бу шундан дарак берадики, ҳозирги кунга қадар Амир Хусрав лирик асарлари тўлиқ ва мукамал тарзда тадқиқ этилмаган бўлиб, самарали ва узоқ муддатли илмий изланишларни талаб этади.

Шундай қилиб, Амир Хусрав Деҳлавий лирик меросини ўрганиш ва тадқиқ қилишнинг дастлабки энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири, бу шоир девонларининг тўлиқ ва ишончли илмий-танқидий матнларини тиклаш ҳисобланади. Токи шоир 5 девонининг танқидий матни яратилмас экан, шоир лирик ашъори тадқиқи мукамалликдан йироқ бўлиши табиий. Демакки, бу соҳадаги илмий изланишлар чала-ярим бўлиб қолаберилади. Б.Мусаев ўзининг "Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Тўхфат-ус-сиғар" девони ғазалларининг текстологик тадқиқи" мавзусидаги номзодлик диссертацияси доирасида фақат Амир Хусрав Деҳлавийнинг биринчи девонининг ғазаллари илмий-танқидий матнини тузган бўлса-да, аслида, ўз тадқиқоти давомида шоирнинг қолган 4 девони танқидий матни, манбашунослик ва матншунослик масалаларига оид ниҳоятда кенг қўламли илмий изланишларни амалга оширган. Жумладан, унинг аниқлашича, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган Амир Хусрав Деҳлавий девонларининг 21 та қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар ҳақидаги маълумотларни тадқиқотчи қуйидагича жадвалга солиб келтиради:

Қўлёзманинг инвентарь рақами	Қўлёзманинг номи	Кўчирилган вақти	Ҳажми (варақ ҳисобида)	Ўлчови (формати)	Каталогда берилган маълумот
9661	Куллиёт	XV-XVI	657	15X24	Йўқ
178	Ғуррат-ул-камол	XIV	282	26X34	II т., 113бет

4370	-//-	XVII	251	15x23	Йўқ
9677	Девон	884/1479	318	14,5x22	VIII т., 154-155 бетлар
2219	-//-	902/1497	408	14x23	II т., 114-115 бетлар
2114	-//-	XV-XVI аср	458	22,5x34	II т., 115 бетлар
153	-//-	XVI аср	327	14x23,5	II т., 115 бетлар
965	-//-	XVII аср	413	14,5x24,5	II т., 116 бетлар
6773	-//-	XVIII аср (Мунировда XIX аср)	390	14x24,5	Йўқ
7070	-//-	XV аср (Мунировда XVI аср)	319	11,5x19,5	Йўқ
6384	-//-	XVII аср бошлари	390	14x24	Йўқ
6730	-//-	1297/1880	134	13x21	Йўқ
3660	-//-	1303/1886	152	15x25,5	Йўқ
2220	-//-	XVIII-XIX аср	483	19,5x29,5	II т., 119-бет
4421/II	-//-	XVIII аср	301	14x24,5	Йўқ
7624	-//-	XVII аср	231	12,5x21,5	II т., 116 ва-119 бетлар
7784	-//-	XVII-XVIII аср	142	14x23	Йўқ
2267	-//-	XVI аср	88	15x27	II т., 116-бет
131	قصايد و غزليات	XVI аср	278	14,5x23	II т., 127-бет
234	غزليات	XV аср	62	15x23	Йўқ
232/ II	-//-	XVI аср	30(86-37a)	15,5x23	127-бет

Жадвалда келтирилган маълумотлардан махзандаги 21 та қўлёзмадан фақат 11 таси мавжуд каталогларда қайд этилган, қолган 10 та қўлёзма ҳақида илк маротаба ушбу жадвалда хабар берилмоқда, яъни уларнинг мавжудлигини биринчи марта тадқиқотчи ўзи асослаб, бизга хабар бермоқда. Бундан ташқари, тадқиқотчи таъкидлашича, берилган маълумотларнинг баъзилари аслига мувофиқ келмайди. Б.Мусаев ушбу қўлёзмаларни бевосита ўрганиш натижасида бу хулосага келган. Келтирилган 21 қўлёзмадан 9 таси нисбатан қадимий бўлиб, улардан 3 таси биринчи марта тадқиқотчининг ўзи томонидан аниқланган. Б.Мусаев мазкур жадвалдаги қўлёзмаларни синчиклаб ўрганиб, "Тўхфат-ус-сиғар" девони ғазалларини аниқлаш манбаи бўла оладиган биронта нусха йўқлиги ҳақида хулоса қилган. Аммо ушбу келтирилган маълумотлар кейинги девонлар устидаги изланишларга қўл келиши

мумкинлиги билан эътиборга лойиқ. Айниқса, 178-чи инвентар рақамли каталогда "Куллиёт" деб нотўғри кўрсатилган, тадқиқотчи аниқлашича, аслида шоирнинг учинчи девони "Гуррат-ул-камол" нинг XIV асрда (яъни шоир яшаган даврда) кўчирилган энг қадимий нусхаларидан эканлиги диққатга сазовор.

Тадқиқотчи Москва, Санкт-Петербург (ўша даврдаги номи Ленинград), Боку, Душанбе шаҳарларининг музей, халқ кутубхонаси, университет кутубхоналари, Шарқшунослик институтларининг қўлёмалар фонди ва Самарқанд, Қўқондаги кутубхона, музейлар билан танишиб, Амир Хусравнинг лирик меросига оид 55 қўлёмалар нусхаларини аниқлаган. Улардан 35 таси алифбе тартибидаги девон, 5 таси куллиёт, 5 таси ғазалиёт, 3 таси "Гуррат-ул-камол" девони, биттаси "Васат-ул-ҳаёт" ва 6 таси баёз нусхалари эканлиги маълум бўлган. Булардан Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёмалари фондида сақланувчи 924х/1518м. ва 991х/1583м. йилларда кўчирилган 2 "Куллиёт" (Дорн №386 ва Дорн №387), Россия Фанлар академияси Осиё халқлари институти Санкт-Петербург бўлимининг қўлёмалар фондидаги 981х/1573м. йилда кўчирилган № В 169 - инвентар рақамли "Куллиёт - девон", Санкт-Петербург давлат университети шарқ факультетининг кутубхонасида сақланувчи М.С. 094. №1622 инвентар рақамли 885/1481 йилда кўчирилган 1034 варақли "Куллиёт", Озарбайжон Фанлар академиясининг қўлёмалар фондида сақланувчи М-138/15858 шифрли 840/1436 йилда кўчириб бўлинган Амир Хусрав девони, Душанбеда Тожикистон Фанлар академиясининг шарқшунослик бўлимида сақланувчи XV асрда кўчирилган "Гуррат-ул-камол" девони, хорижий мамлакатлар хазиналарида сақланувчи Амир Хусравнинг қўлёмаларидан Британия музейидаги Амир Хусравнинг 923/1517 йилда кўчирилган бир куллиёти ва XVI асрда кўчирилган куллиёт-девони, 6 та алифбе тартибидаги девони, "Гуррат-ул-камол" девонининг бир нусхаси, Лондондаги Индия Оффис кутубхонасида 867/1462, 1008/1599, 933/1527 йилларда кўчирилган 3 куллиёт, "Ниҳоят-ул-камол" девонидан ташқари 4 та девонни ўз ичига олган 2 қўлёмалар, "Васат-ул-ҳаёт" ва "Гуррат-ул-камол" девонларининг биттадан нусхаси, Оксфорд университетининг Бодлеан номли кутубхонасида алифбе тартибидаги девоннинг 4 нусхаси ҳамда "Васат-ул-ҳаёт" (1 та), "Гуррат-ул-камол" (2 та), "Бақияи нақия" (1 та), "Ниҳоят-ул-камол" (1 та) девонларининг алоҳида-алоҳида кўчирилган нусхалари, Париж миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёмалар ҳақида маълумот берувчи бир каталогда келтирилган "Бақияи нақия" нинг ягона нусхаси ва алифбе тартибидаги девонларнинг 8 қўлёмаси қайд қилинган. Ҳиндистон шаҳарларининг турли кутубхоналарида сақланувчи А. Спренгер

каталогида келтирилган “Тўхфат-ус-сиғар”, “Васат-ул-ҳаёт”, “Ғуррат-ул-камол”, “Бақияи нақия” девонларини ўз ичига олган 326 рақамли қўлёзма, Мавлавий Абдул Муқтадир нашр қилган каталогдаги “Тўхфат-ус-сиғар”, “Ғуррат-ул-камол”, “Ниҳоят-ул-камол” девонларидан иборат 125 рақамли қўлёзма, “Ниҳоят-ул-камол” нинг алоҳида кўчирилган бир нусхаси ва алифбе тартибидаги ягона девон қайд қилинган бўлса, бошқа бир каталогда 315 рақамли куллиёт (1030/1620 йилда кўчирилган), “Тўхфат-ус-сиғар” билан “Васат-ул-ҳаёт” девонларидан иборат 318 рақамли қўлёзмаси (1012/1603 йилда кўчирилган), алифбе тартибидаги девоннинг бир нусхаси мавжудлиги ҳақида маълумотлар келтирилганлиги ҳам бу соҳадаги кейинги тадқиқотлар учун асқотиши шубҳасиз. Миср маданият министрлигининг миллий кутубхонасида алифбе тартибидаги девоннинг 823/1420, 859/1424, 877/1472, 921/1515, 996/1587 йилларда кўчирилган 6 та нусхаси ҳақидаги маълумот ҳам шу қаторда туради.

#### Адабиёт:

1. Бақоев М. Ҳаёт ва эҷодиёти Хусрави Дехлавӣ. -Душанбе: Дониш, 1975. -278 с.
2. Дехлавӣ Амир Хусрав . Ғазалиёт. -Душанбе: Адиб, 2014. -478 с.
3. Имомназаров М. Хусрав Дехлавий эпик ижодида бадий метод ва поэтика масалалари. Филол. фан. док. дис. автореф. 1986.
4. Мусаев, Б.М. Текстологическое исследование газелей “Тухфат-ас-сигар” Амир Хосрова Дехлави. Автореф. дис. канд. филол. наук. - Ташкент, 1969. –стр. 23.
5. Тўйчиева Гулҳумор. Метрика газелей Амир Хосрова Дехлеви (на примере “Тухфат-ас-сигар”). Автореферат канд. диссертация. - Тошкент, 1993.
6. Қуронбеков А. Амир Хусрав Дехлавий “Оинаи Искандарий” достонида исмлар туркумидаги сўзларнинг статистик-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. дис. автореф. 1988.